



Туркистон

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 4 июль шанба.
№ 51 (144144)

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ ҚАДРИЯТЛАРГА ЭЪТИБОР БИЗНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари қатнашчиларининг Самарқандга сафари жуда марокли утди. Гуруҳ раҳбари, Тожикистон Республикаси Фанлар Академиясининг вице-президенти Мусо Диноршоев ўз таассуротлари ҳақида шундай деди:

- Менинг Самарқанд вилоятига биринчи келишим. Бу юрт ҳақида кўп ўқиган, кўп эшитган эдим. Бироқ, бугунги кунда мамлакатингизда, жумладан, вилоятингизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари мени ҳайратга солди. Қадим Турон халқларининг неча минг йиллик бой маънавияти ва анъаналарини юксалтириш, утмишдан қолган бетакрор тарихий обидаларни асраб-авайлаш, жаҳон илм-фанини ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган алломаларнинг муқаддас номларини қайта тиклаш борасида олиб борилаётган улғувор ишлар бизни айниқса лол қолдирди.

Бунини биз Самарқанд мисолида ҳам яққол кўрдик. Буюк соҳибқирон Амир Темурга урнатилган ҳайкал, унинг номидаги боғ, машҳур Регистон майдонидаги ёдгорликлар асл ҳолига келтирилгани, мусулмон оламининг буюк муҳаддиси Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги муносабати билан Челақ туманидаги қадимжода маҳобатли ёдгорлик мажмуи бунёд этилаётганидан беҳад қувондик.

Юрти обод, эли осойишта, узининг буюк келажагига ишонган халқгина шундай ишларга қодирдир.

Ҳамза
ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири



Меҳнатига қулгиси ярашган бу қиз—Намгяхон Жўраева Наманган туманининг «Ғайрат» жамоа хўжалигида ишлайди.

Сураткаш: Т. МАҲКАМОВ

ЎТГАНЛАР РУҲИГА

Инсон хотирасиз яшай олмайди. Хотираси улугланган тирикдир. Утганларни ёд этиш, қабрини зиёрат қилиб, юзга фотиҳа тортиш тириклар учун фарздор. Қурраи заминнинг тинчлигини истаб, урушда қўрбон бўлганларни эслаш, хотирасини абадийлаштириш бугунги авлод учун қарз ҳисобланади.

Йулбошчимизнинг 9 май куни матбуот вакиллари берган интервьюсида «Хотира хиёбони»ни ташкил этиш, унда урушда ҳалок бўлган барча ўзбекистонлик аскарларни номма-ном эслаш хусусида гапириб ўтган эдилар. Бу ниҳоятда олижаноб гоядир.

Яқинда матбуотда Мустақиллик майдонида барпо

этилиши мулжалланган Хотира хиёбони хусусида ўқидим. Миллионлаб юртдошларимиз руҳига ҳурмат-эҳтиром бажо келтирилиши қалбимни қувончга тўлдирди. Бу ишлар нафақат уруш қатнашчиларининг, қолаверса, барчанинг айни кунлидаги савобли иш бўлиши шубҳасиз. Эзгу ишларда халқимиз қатори мен ҳам хизматимни қўшишга тайёрман. Тенгдошларим ҳам иштирок этишларини истардим.

Ч.ҒИЁСОВА,
Тошкент Давлат дорилфуни
халқаро журналистика
факультети II курс талабаси

Хотира — муқаддас

Утмишсиз келажақ бўлмайди. Матбуотда эълон қилинган «Хотира халқни бирлаштиради» сарлавҳали мақолани катта ҳаяжон билан ўқиб чиқдик. Дарҳақиқат, тарихини, кечаги кунини унутган халқ ўзлигини унутган ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши боис ўзбекистонлик 450 мингдан зиёд йигитта жанг майдонларидан қайтиш насиб этмади.

Улар ўз жасорати, шаҳид кетган жонлари билан жаҳон халқларини фашизмдан сақлаб қолишга улкан ҳисса қўшдилар.

Эндиликда бу тарихий санага сохта мафкуравий ёндошув барҳам топиб кўпроқ унинг маънавий жиҳатларига, асл моҳиятига ва аҳамиятига, урушда жон берган аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасидаги амалий ишларга катта эътибор берилаётгани биз ёшларни беҳад қувонтиради.

Хусусан, Йулбошчимиз Исрол Каримовнинг пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида барпо этилиши мулжалланган «Хотира хиёбони» қурилишини тезлаштириш ҳақидаги таклифларини барча ватандошларимиз қўллаб-қувватламоқда. Сир

САВОБ

эмаски, барчамиз «номаълум солдат» пойига яқин-яқингача гуллар қуйиб, таъзим этардик-ку, бироқ ушбу сўзнинг мазмун-моҳиятини сира чақмаган эканмиз. Шу уринда Президентимизнинг «Нима учун биз ҳаёти, номи маълум ва қадрдон бўлган ота-боболаримиз, уша даҳшатли уруш йилларида ҳалок бўлгани бир парча қорахат орқали хабар этилган аждодларимиз хотираси пойида эмас, балки аллақандай «номаълум солдат» олдида бош эгишимиз керак?», деган сўзларини келтиришни жоиз деб билдик.

Ҳақиқатан ҳам уларни «номаълум» деб аташ урушда қўрбон бўлган шахидлар хотирасига соя солади. Шу боис бу иборанинг урнига «шаҳид аскар», «қўрбон бўлган аскар» деган иборани ишлатиш таклифини биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, инсон хотирасини улуглашдан ҳам эзгу ва савоблироқ юмуш дунёда бўлмаса керак.

Нозима ИСЛОМОВА

ТОРТУМУЗДА

Тожикистон Республикаси кунлари давом этмоқда. Меҳмонлар Самарқанд, Қашқадарь каби бир қанча вилоятларда бўлиб, меҳнат-кашлар билан учрашиб, уларнинг ҳаётлари ва меҳнати билан танишибди. Ўз санъатлари билан ўзбекистонликларни ҳушнуд этишди.

Тошкент - Андижон автомобиль йўлининг тоғ ён-бағридан ўтган қисмида таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда. Утган йили Япония ҳукумати Қамчиқ довонидаги йўлни қайта таъмирлаш учун 960 миллион иен ҳажмида грант ажратган эди. Қуни-кеча ушбу расмий тақдирот маросими бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Юнусов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К.Обата қатнашди.

МАРКАЗИЎ ОСУЎДА

БИШКЕК. «КАБАР» ахборот агентлигининг хабар беришича, Қирғизистоннинг тоғли шаҳри - Норинда мактаб ўқувчилари ташаббуси билан мамлакатнинг биринчи президенти Аскар Акаев музейи ташкил этилган. Хабарда айтилишича, Президент А.Акаев шу мактабда таълим олган. Мактаб ўқувчиларининг илтимосига биноан, Президент ва унинг рафиқаси мазкур музей учун китоблар, суратлар ва кўплаб бошқа экспонатларни тақдим этган.

АЛМАТИ. Хориждаги қозоқларни ўз хоҳишига биноан тарихий ватанига қайтарин давом этади, деб хабар беради «КАЗААГ» ахборот агентлиги. Бу жараён келаси йилда ҳам республика ҳукуматининг асосий устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади. Қозоғистоннинг Миграция ва демографик тадқиқотлар агентлиги раиси Заурбек Турисбоевнинг билдиришича, айни пайтда 4,1 миллион нафар қозоқ хорижда яшайди. Улар дунёнинг 44 мамлакатида истиқомат қилинмоқда. Муҳожир қозоқларнинг аксарияти Қозоғистонда ишролар ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг хорижга кетишга мажбур бўлган.

БИШКЕК. Қирғизистон миллий банки ўзи ўтказадиган валюта савдосини бекор қилди. Эндиликда бу муассаса банклараро валюта бозорининг оддий иштирокчиларидан бири бўлиб қолади.

АЛМАТИ. ХХР раиси Цзян Цзэмин икки кунлик амалий таширф билан Қозоғистонга келди. Бу ерда у Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон ҳукуматлари делегацияларининг чегара масалаларига бағишланган йиғилишида ҳам қатнашди.

ХОРИЖДА

Н Ъ Ю - Й О Р К. 4 июль куни АҚШ халқи мустақиллик байрамини нишонлайди. Бу полиция ва хавфсизлик хизмати ходимларини янада ҳушёр бўлишга чорлайди. Чунки айём арафасида мамлакатда турли террорчилик ҳаракатлари авж олиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Қуни кеча Техас штатида биологик қурол ишлатиш ниятида бўлган уч нафар фуқаро қўлга олинди.

П Н О М П Е Н. Камбожанинг иккинчи Бош вазири Хун Сен инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ миссияси вакиллари эълон қилган баёнотни кескин рад этди. Мазкур баёнотда фуқаролардан сиёсий қўтиллиқ ҳақида 15 та, турли тазйиқ ва таъқиблар ҳақида 140 та шикоят келгани айтилади ва Хун Сен раҳбарлигидаги ҳукумат таҳдид ва тажовузлар уюштиришда гумон қилинади.

Т А Й Б Э Й. Тайван маъмурияти раҳбари АҚШ Президенти Б.Клинтоннинг «Ўз ваздасига солиқ қолганидан» мамнуният билдирди. Хитойга расмий таширф арафасида Б.Клинтон Хитой-Америка муносабатларини ривожлантиришда Тайван манфаатларига зид иш қилинмайдиган, деган мазмунда баёнот берган эди. Ушбу таширф ниҳоясида АҚШ Президенти ўз давлатининг Тайванга муносабатини аниқ белгилаб берди. Яъни, Тайван хусусида АҚШ ташқи сиёсати қуйидагиларга таянади: Тайван мустақил эмас, «иккита Хитой» ёки «бир Хитой, бир Тайван» тамойилига ўрин берилмайди, Тайван давлат мустақиллигини талаб қиладиган халқаро ташкилотлар ишида қатнашмайди. Шу билан бирга, Б.Клинтон Тайванга мудофаа қуроллари етказиб бериш тўхтатилмаслигини ҳам таъкидлади.

«Туркистон», ЎЗА ва хориж матбуоти материалларидан





Мардлар қўриқлайди Ватанни!

ЙИГИТ ЛАФЗИ

Куни кеча артиллериячилар бўлимасида ўқув йиғини машғулотларини утаётган офицер Воҳид Султонхужаев раҳбарлигидаги ҳарбий кафедранинг бир гуруҳ бўлғуси заҳирадаги офицерлари Ҳарбий Қасамёд қабул қилишди. Тугриси айтсам талабалар бу тантанани Низомда қўрсатилгандек аниқ қилиб бажара олишармикан, дея иккилангандим. Аммо Ҳарбий Қасамёд қабул қилаётган булажак зобитларга разм соларканман, янглишганимни англадим.

Матнлар гуё уларнинг юракларида акс-садо бериб, жаранглаётгандек. Негаки, улар Ватани, халқи, Президентига содиқ қолиш ҳақидаги йигит лафзи билан Қасамёд қилишмоқда. Қалбларида буюк миллатнинг қиёфаси мужассам. Истикболи порлоқ юртнинг эртанги давомчилари эканликларини юракдан хис қилишди.

Маълумки, Қўролли Кучларимизнинг илк шаклланиш йилларида миллий кадрларга бўлган эҳтиёж сабаб, ҳарбий кафедралар тайёрлаган заҳирадаги бир гуруҳ офицерлар она-Ватан ҳимоясига жалб этилдилар. Хизмат тақозоси билан қисмларга борганимизда, уларнинг армиямиз нуфузини кўтариш йўлида астойдил хизмат қилаётганининг гувоҳи бўлганмиз. Демокриманки, республикамизда фаолият қўрсатаётган барча ҳарбий кафедрага бу борада катта масъулият юклаган.

Биз қадам ранжида қилган мазкур бўлинмада Тошкент Давлат Техника университетининг механика, нефть ва газ, энергетика факультетлари талабалари ўқув йиғини машғулотларини утаётган экан. Ижодий гуруҳимизнинг бу ерга ташрифи алпқомат йигитларнинг руҳини кўтарди. Улар бирин-кетин тантанали равишда Қасамёд қабул қилишди. Моҳиятига қура бу тadbир катта аҳамиятга эга. Фарзандларини табриклаш учун ота-оналар, қариндош-уруғлар ташриф буюришган. Биз даставвал ҳарбий кафедра ўқув бўлими бошлиғи, мазкур ўқув йиғини раҳбари, Николай Застрогин билан суҳбатлашдик.

Бугунги тантана курсантларимизнинг бир умрга эсида қолади. Улар она-Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлишга Қасамёд қилишди. Ва ҳар бир йигитга ярашадиган офицер деган унвон сари бугун дадил қадам ташлашди. Хали ўқув йиғинимиз давом этади. Курсантларимизда мустақил Ўзбекистонга, халқига меҳр-муҳаббат кучи. Ана шу ватанпарварлик уларнинг ўз бурчларини шараф билан бажаришга сабаб бўлаётди. Олинган назарий билимларни бу ерда амалиётда қўллаш йигитларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, курсантларимиз билан шугулланаётган цикл офицерлари катта ўқитувчи зобит Ф.Раҳмонқулов ва ўқитувчи офицер Ф.Зокировлар хизматлари таҳсинга лойиқ. Уларнинг ўз устида қатъий ишлаши ва курсантларга талабчанлиги ютуқлар омили бўлаётди.

Ҳарбий Қасамёд қабул қилган шерюрак йигитлар шахдам қадамлар билан саф қуригидан утишди. Қуёш аямасдан атрофга ўз ҳароратини пуркамолда. Аммо бошқа бир утқи ҳарорат олдида бу ҳеч нарса эмас. Мана у манзара: ота-она, қариндош-уруғ фарзандларини меҳр алангаланаётган тафтига босмоқда.

— Мен Ҳасанжон Умрзоқовнинг бувиси Ёкут Турақуловаман. — Неварам ва унинг дўстлари тантанасини кузатиб, кўзимдан севиқ ёшларни тукилди. Қаранг, ҳарбий либос ярашган бу полков болаларимнинг ҳар бири мустақил Ўзбекистонни ёмон кўзлардан асрашга қодир. Илоҳим омон бўлишсин. Фарзандим униб-усиб, халқига, юртига муносиб бўлсин. Президентимиз айтганларидек, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган инсонлар бўлишса, бошимиз осмонга етади.

— Утлим Равшан Суннатиллаевнинг ана шундай қувончли кўнига шерик бўлиш учун келдим. Мана, у тантанали Қасамёд қабул қилди. Демак, Ватаннинг яна бир ҳимоячиси ортди, дегани-деди биз билан суҳбатда Муборак ая Ризаева.

— Ота-онамга раҳмат, мени воёга етказиб, ана шундай яхши онларимни бирга баҳам қўришмоқда. Ота-онам, Ватаним олдида бир умр қарздорман. Ўз фарзандлик бурчимни оқлайман дея ана шу азизларим олдида суз бераман — деди Равшанжон Суннатиллаев.

Истефодаги офицернинг угли йигитлик сўзини ерда қолдирмаслигига ишондик.

Бўлғуси заҳирадаги офицерларни тайёрлашда ўз билими, тажрибасини аймаётган устозлари билан суҳбатлашшга чоғландим.

Кафедра катта ўқитувчиси, офицер Фосиҳ Раҳмонқулов: — Йигитларимизнинг бари интизомли, интилувчан. Мустақил Ўзбекистоннинг бу ишончли давомчиларига қараб юрак фаҳрга тулади. Озми-кўпми уларга ўз соҳаларининг сир-асрорларини ўргатаймиз. Уларнинг ичида айниқса, старшина Раҳимжон Кимсанов, курсантлар Ақром Маҳкамов, Абдуфаттах Хайров, Абузар Норов, Сергей Соколовлар барчага ибрат бўлишмоқда.

Кафедра ўқитувчиси, зобит Фатхулло Зокиров: — Аввало ўқув йили давомида бизга катта ёрдам бераётган бўлими қўмондонлигига ташаккур айтаман. Йигитларимиз саф қўриги, нишонга отиш машғулотида юксак натижаларга эришди. Бу борада Орифжон Муҳиддинов, Шерзод Ҳабилов, Шўхрат Жалилов, Улғабек Азимовларни алоҳида таъкидлаб ўтган бўлардим.

Кўнгиллари гурурга тулиб, шундай фараҳбахш лаҳзаларни бошидан кечириётган йигитларни ҳам суҳбатга чорлаймиз.

Старшина Раҳимжон Кимсанов: — Амалий машғулотларни уюшқоқлик билан ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жисмоний тайёргарликка кенг эътибор берилади. Яратилаётган шарт-шароитлар тула қўриқарли. Биз — Она Ватан фарзандлари бу ишончли оқлашга ҳаққат қиламиз.

Ҳа, йигитлик мактаби — чиниқш мактаби, ҳаётнинг, Ватаннинг, онанинг қадрига етишга ўргатадиган даргоҳ. Курсантларнинг ичида уйини, ота-онасини соғинганлар бор. Муҳими, ана шу соғинчда. Негаки, ана шу туйғу уларда инсонийлик шаклланди дарақ. Инсонийлик эса халқ, Ватанига бўлган муҳаббат билан уйғун.

Алижон САФАРОВ,
ҳарбий журналист, лейтенант

НАВОИЙДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

“Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази Қизилтепа бўлими ташаббуси билан туман “Нафосат” маданият саройида ёш авлодда фидойилик, ватанпарварлик, юртимиз ҳавфсизлиги ва элимиз осойишталиги учун масъулият ҳиссини кучайтириш ва бу борада фуқаролар уртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда туман ҳокими Ш.Шодиёв, Навоий Давлат университетининг ректори, профессор Р.Раҳмонов, Навоий кончилик институти ректорининг маънавият бўйича муовини С.Иноятов, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази Навоий вилояти бўлимининг раҳбари К.Иулдошев, вилоят бош имом-хатиби З.Болтаевлар сузга чиқдилар. Йиғилишда ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари, туман фаоллари, диний масалалар бўйича мутасадди кишилар иштирок этди.

Навбахор туманида утказилган худди шундай анжуманда эса, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги “Вижон эркинлиги ва диний ташкилотлар тугрисида” ги Қонунининг мазмун ва моҳияти атроф-лича муҳокама қилинди. Ҳар пайшанба кўни туманда “Маънавият кўни” деб эълон қилинди.

Зиёда ҒАФҒОРОВА,
Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг етакчи мутахассиси



Сув қадри қачон билинади? Албатта чанқок, ошганда, — дейди Данғара ерини эрга эл қилаётган, оби ҳаётнинг тақдирини қўлида ушлаб турган Маҳмуджон Худойкулов. У ўз ҳалол меҳнати билан Данғара туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасини бошқариб келяпти.

Суратқаш: А. ГЕРАСИМОВ.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз урнига эга бўлмоқда. Жаҳоннинг йирик сармоядорлари, ишбилармонлари диёримизга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Қисқа фурсатда тараққиёт томон юзланаётган иқтисоди тобора юксалаётганидан ҳамманинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Бунга меҳнатсевар халқимизнинг тинимсиз изланишлари, ҳукуматнинг олиб бораётган тўғри сиёсати сабабдир. Истиклол туфайли юртимизда жуда катта ўзгаришлар рўй бериб, саноат соҳасида бир мунча ютуқлар қўлга киритилди. Бу борада фаолият қўрсатаётган Жанубий Кореянинг “ДЭУ Текстайл Компани”сида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Вилоят енгил саноати ривожига катта ҳисса қўшаётган бу корхона фақатгина ишлаб чиқариш билан чегараланиб қолмай, балки янги иш уринларини ташкил этиш, етук мутахассислар тайёрлашга ҳам катта эътибор бермоқда.

Мана бир неча йилдирки, Жанубий Кореяда тажрибаларини ошириб, ўз билимларини мустаҳкамлаб қайтган ёшлар ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришмоқда. Кўни кеча ёшлардан яна 43 нафари хорижга жўнаб кетишди. Шуниси эътиборга молиқки, улар корейс тилини ўрганиб олдилар. Чунки, бу ёшлар Тегу шаҳрида

жўйлашган туқимачилик университетида ўз билимларини оширади. Биз тайёрағоҳда Кореяга

— Сиз-чи?, — дея сурадик, индамай бизларни тинглаб турган Руфат Сирожилиновдан.

— Мана юртимиз мустақилликка эришди. Халқимиз эркин нафас олмақда, — деди у бирдан жиддий

жўнаб кетаётган ёшлар билан суҳбатда бўлдик.

— Чет элга чиқиш биз учун қизиқарли. Айниқса, уларнинг юртида корейс тилида сузлашиш янада қизиқарли бўлса керак, дейман — дейди Салимжон Хаитов.

тортиб. — Лекин ватанимизда хали қилинадиган ишлар жуда кўп. Биз ёшлар ўз билимларимизни ошириб, юртимизга яхшироқ хизмат қилишимиз лозим.

Мен олис сафарга отланган бу сергайрат йигитларга омад тилаб, хайрлашдим. “ДЭУ Текстайл Компани” президенти Ким Хон Юн эса менга қўйидагиларни гапириб берди.

— Сафарга кетаётган ёшлар корейс тилини ўрганишди. Бу эса таълим олишларида жуда қўл келади. Юборилаётган йигитларнинг 26 нафари 6 ойлик, 17 нафари эса 2 ойлик курсларда таҳсил қўришади. Ўқишни тугатган ёшлар вилоятнинг Охунбобоев туманида қўрилаётган янги туқув корхонаси ишга тушиши билан уша ерда менежер сифатида иш бошлашади. Компаниямиз барча стажёрларнинг ўқишлари ҳамда яшашлари учун кетадиган харажатларни ўз зиммасига олган. Уйлайманки, бу ёшлар Ўзбекистоннинг эртаси учун ўз улушларини қўшади.

Матлуба АЗАМАТОВА,
Фарғона вилояти

«УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИЛАР»

Республика Киночилар уйида ёзувчи Ҳайридин Султонов сценарий асосида тасмага тушурилган «Улар Германияда ўқиган эдилар» ҳужжатли фильм премьераси бўлиб ўтди.

Янги фильмда йигирманчи йилларда Ўзбекистондан Европа мамлакатларига ўқишга юборилган ўзбек йигит-қизларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган. Уларнинг кўпчилиги юртга қайтгач, мустақил шўро тузуми томонидан маҳв этилган, турли азоб-укубатларга дучор этилган эди.

Асарни яратишда архив материаллари, тарихий ҳужжатлар ва суратлардан, хорижлик мутахассис-олимлар, фильм қаҳрамонларининг қариндош-уруғлари хотираларидан кенг фойдаланилган.

«Ўзкинохроника» студияси махсулоти бўлган бу фильмга Шўхрат Маҳмудов режиссёрлик қилган.

М.ОДИЛОВА
УЗА

Чимилдиқ

"ТУРКИСТОН" газетаси иловаси. 1998 йил 4 июль № 6

ЙЎЛДАН

Қадрли "Туркистон"чилар! Хатимни чиройли ёзмаганим учун узр. Ёшим 38да. Мен оғир хасталик сабабли беш йилдан буён тушакка миҳланганман. Жойимдан туролмайман.

Аммо матбуот орқали кундалик янгиликлардан хабардор бўлиб турибман. Мен ёшларнинг наشري бўлган "Туркистон"ни севиб ўқийман. Айниқса, янги илова -- "Чимилдиқ" ҳар бир ўқувчининг қалбига йўл топа олаётганига унинг учинчи сонини ўқиб туриб янада ишондим.


Умрнинг илк баҳори ҳар кимда ҳар хил кечиши табиий. Бироқ, баъзида уни бемаврид заҳарлаб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас.

Ҳозирги ёшларнинг ҳаётида рўй бераёт-

ЧАЛҒИШМАСИН

ган ҳолатлар кимни ташвишга солмайди? Бу ҳақда Президентимиз бўлиб ўтган барча сессияларда жуда кўп бора таъкидладилар. Ваҳоланки, ёшларнинг турли йўлда чалғишлари, жиноят қилиб, гуноҳга қўл уриб қўйишларига албатта маълум миқдорда катталар ҳам айбдор. Улар Вақтида бепарво бўлмаса, номусдан изтиробга тушган қизлар, боши берк кўчага кириб қолган йигитлар сони камроқ бўларди. Асосий ташвишларим ҳамманикидан ортиқ бўлса-да, аммо ётган жойимда бир дунё андуҳларни елкамда кўтариб тургандай бўламан. Қанийди, соғ бўлсаму, жамиятимизда содир бўлаётган янгиликларга ўз ҳиссамни қўшсам дейман. Балки бу туйғу ижодкорларга хосдир. Журналист бўлишни жуда орзу қилар эдим. Шукри, икки ўғил, бир қизим борлиги менга тасалли бўлади. Қизим адабиётга жуда қизиқади. Мен етолмаган орзуга қизим етишса ажаб эмас.

Гулсала ХУСАНОВА,
Фаргона вилояти, Бешариқ шаҳри,
Навбахор кўчаси 24- уй



Кушларда ҳам қалб бор...

БУТУНТИ СОҲДА:

Шукур
ХОЛМИРЗАЕВ:

"ЮРМАСАМ,
ХОТИНИМНИ
ҚАЁҚДАН
ТОПАРДИМ?"

4-саҳифа

БЕШИКНИНГ
БЎШЛИГИ
АЁЛДАНМИ?

5-саҳифа

ЭРКАКЧА БУСА

6-саҳифа

режалаштиришнинг асосий тамойиллари саналади:
1. Туғруқлар ўртасидаги муддат 3 йил бўлмоғи керак.
2. Экстрагенитал касалликлари бўлган аёлларда қўтилмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, уларни соғломлаштиришлари лозим.
3. Абортларни кескин камайтириш керак.

Оилани оқилона режалаштириш она соғлиғини сақлашни таъминловчи асосий ва бирдан-бир йўналишидир. Кўп фарзанд кўришни ҳеч қандай таъқиқмайди, бироқ, мақсадимиз ҳар бир оилада соғлом фарзандлар дунёга келиб, баркамол авлодни вояга етказишидир. Шундай экан, оилани оқилона режалаштириш учун ҳар бир аёл замонавий контрацепция усуллари билиши ва улардан тўғри фойдаланиши, зарур.

Ҳозирги даврда исталмаган ҳомиладорликнинг олдини оловчи турли хил усуллар ва воситалар мавжуд. Бачадон ичи спираллари, механик тўсиқ воситалари, презервативлар, гормонал таблеткалар (марвелон, ригевидон, микрогипон, триквилар, трирегол), гормонал уқоллар шулар жумласидандир.

Лола ЖҲРАЕВА,
тиббиёт фанлари
номзоди

Қизларимиз бугунги кунда шунчалар "фаоллашиб" кетишганки, қилиқларини кўриб ёқа ушлайсан киши... Яқинда дам олиш учун Бўстонлиққа бордик, қайтишда "Тошкент-Хўжакент" электр поездида ўтирдик. Лекин... салдаёқ асабларимиз қақшай бошлади.

рибди, юқори синф ўқувчилари.

Қизлар латифабозликни нари суриб, карта уйнашга тушишди. Энди тинчиб қолишар десак, баттар авжга чиқишди.

Ораларида ўғил болалар ҳам бор эди. Бироқ улар чекка-чеккада жимгина ўти-

ИШГА МИЛИЦИЯ АРАЛАШДИ

Ёнимиздаги ўриндиқларни эгаллаб ўтирган қизлар шунчалар шовқин кўтаришардики, гўё вагонда улардан бўлак йўловчи йўқдек.

-- Ҳой, қизларим, секинроқ, -- деди ёши каттароқ одам уларни тартибга чақириб.

Қайда, баттар авжга чиқишди. Кимга гапирярсиз дейишмайди. Яна уларни саёҳатга олиб чиққан (ўқитувчилари бўлса керак) киши ҳам миқ этмайди. Маълум бўлишича улар Янгийўл шаҳридаги мактабда ўқишаркан. Кўриниб ту-

ришар, магнитофондан қўшиқ эшитишарди.

Хуллас, йўловчилар йўл хизмати милицияси ходимига мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Милиция қизларнинг кўлидан картани тортиб олди, тартибга чақаришга мажбур бўлди.

Дарҳақиқат, йигитларнинг майинлашуви қизларининг дағаллашишига, ҳаддан ошиб, чегарадан чиқишларига сабаб бўляпти.

Зулфия АБДУЛЛОХ
қизи

КЎМАҚДОШ

"Чимилдиқ"ни қизиқиш билан ўқиб бораёпман.

Биз ёшлар учун бу илова жуда маъқул бўлди. Ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёшларимиз учун у айниқса фойдали, маслаҳатгўй бўлиб қолди, десам янгилимаган бўламан.

У йигит ва қизлар ҳаётда ўз бахтини топишига ва ўзи севган ёрига етишишига кўмақдош бўлади деб билламан.

Биз эллиққалъалик ёшлар кейинчалик "Чимилдиқ" деган ном билан илованинг янада кенгайишига ишонч билдирамиз ва энг яхши эзгу ниятларни билдириб қоламиз.

Богибек ПОЛВАНОВ,
Эллиққалъа тумани,
"Бўстон"

фермер хўжаликлари
уюшмаси ҳисобчиси

РЕЖАЛИ ОИЛА МУСТАХКАМДИР

Дунёда йилига 500 минг аёл ҳомиладорлик, туғруқ ва аборт пайтида нобуд бўлмоқда. Бошқача айтганда ҳар соатда 250 нафар аёл юқорида қайд этилган жара-

ённинг оғир кечиши натижасида ҳаётдан бевақт кўз юммоқда.

Оналар ўртасидаги касаллик ва ўлимнинг юқорилиги, болаларнинг чала туғилиши ҳолларининг кўпаяётгани, перинатал касалланиш каби салбий ҳолатлар кескин чоралар кўришни талаб этди. 1991 йилдан бошлаб республикамизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари" дастури амалга ошириб келинмоқда. Бу дастур чинакамига оилани оқилона ривожлантириш дастуридир. Куйидагилар оилани тўғри



1 — Йигит билан қизнинг “юриши...” Йигит билан қизни, яъни, одам қавмини қўя турайлик, ҳатто қушлар, ҳайвонлар ҳам “юриб” -- бир-бирини кузатиб, садоқатини қандайдир синовлардан ўтказиб, кейин бир-бирига меҳр қўйишар экан.

Мен ўтган йили чиққан бир ҳикоямда бир жуфт қалдирғочнинг “оила қуриш” арасидаги ҳатти-ҳаракатларини ёзган эдим, ўша воқеани ўзим кузатгандим. Келинг, бир дақиқада айтиб бераман: ёзувчилар боғида -- ҳужрамда ўтиргандим. Кечки пайт. Баҳор. Бир жуфт қалдирғоч очиқ эшикдан кириб келди, хонани айланиб чиқиб кетди. Кейин, яна киришди-да, бурчакдаги бўртмага қўнишди. Биттаси катта, думи узун, чиройли -- ҳўроз эди. Иккинчиси -- кичик, мўъжазгина эди. Мен уларнинг тагига -- тахта полга газета ёзиб қўйдим. Улар чирқиллашиб шу тунни ўтказишди. Саҳарда учиб чиқиб кетишди. Кечки пайт макиёни кириб келиб, ўша бўртмага ўтирди. Ҳўрозидан дарак йўқ эди. Қош қорайди. Тун тушди. Эркакидан дарак бўлмади. Макиён чирқиллаб, бир-икки марта хона шифтида айланди. Хуллас, тун билан чирқ-чирқ этиб чиқди. Тонг маҳали эди, шувиллаб ҳўроз кириб келди. Хонани бир айланиб, макиёнинг ёнига қўнган эди, макиён... уни шундай талай кетдики, асти сўраманг. Устига чиқиб олиб чўқийди денг. Ҳўроз... миқ этмайди. Ўзини тутиб бериб тураверди, макиён чарчади. Сўнг... эртаси яна боққа учиб чиқишди-да, тумшукларида лой олиб келиб, уя кура бошлашди. Шундан кейин то бола очиб чиққунларигача улар орасида жанжал бўлмади. Макиён тухум босиб ётганида, ҳўроз унга ҳўрак олиб келар, яъни оғзини очиб тутар, она қалдирғоч унинг жигилдонидан овқатланар эди...

Ўйлайманки, бу мўъжаз қушлар дастлабки кунларда ўзларига хос синовдан ўтишди.

Яна бир мисол келтирсам. Битта канадалик ёзувчи-табиатшуноснинг иккита бўри ҳақидаги асарини ўқиганман. Ёзувчи иккита бўрининг жуфт бўлиб, ўйнашиб юрганига эътибор қилади. Кейин уларнинг бир горни танлаганларини кўриб, ўша гор рўпарасида яширинча пистирма қуриб, кириб олади. Дурбинлари бор. Қиш кезлари. Бўрилар бир-бири билан жуда иноқ экан. Бўриларнинг ҳам йириги -- эркаги (ирлони), кичикроғи -- қанжиғи экан. Бир куни денг, эркак бўри кўринмай қолади. Ургочи бўри тепалик устига чиқиб, узоқ увиллайди. Ой нурида ҳам кўриниб туради. Кейин, эртаси, -- деб ёзади табиатшунос, -- тонг маҳали узоқда Альберт (бўрига шундай ном қўйган экан) кўринади. Оппоқ қор саҳросида лўкиллаб келаётган бўри горга яқинлашиб тўхтади. Ургочи бўри гордан отилиб чиқиб, уни талай кетади. Альберт -- эшшақдай келадиган йиртқич чалқанча ётиб олиб, унга қаршилиқ қилармиш оёқлари билан. Худди кучукваччага ўхшаб. Ургочи уни ҳўп талабди. Ниҳоят, чарчабди-да, четга чиқиб, чўзилиб ётибди. У хафа экан. Ирлон бўри ўрнидан туриб, қоқиниб, уни уч-тўрт марта айлангач, ёнига келиб ётибди. Ниҳоят, чошгоҳларда ўринларидан туриб, овга кетишибди. Овдан яна ўйноқлаб қайтишибди.

Бунга нима дейсиз ҳурматли газетхон?

Энди одам қавмига -- қиз билан йигит халқининг “юриши”га келсак, бу ҳам ғоят табиий ҳол, деб ҳисоблайман. Аммо бу ақлли жонзотларнинг қандайдир кодекслари, интизом, одоб-ахлоқ чегаралари борки, ана ўшаларга итоат қилишлари билан бошқа

махлуқлардан фарқ қилсалар керак.

2 — “Юриш”дан “севги” ўсиб чиқса керак...

Шу маънода “Бир кўришда ошиқибек қарор бўлдим”, дейдиганларга кўпам ишонмайман. Бир кўришда ошиқибек қарорлик -- сексга даҳлдор бўлади, деб ўйлагим келади. Яна ким билади, дейсиз. Академик Қори Ниё-



Кўплаб ёзувчилар ўз асарларида ёзишган. Биз мавзу қилиб «Чимилдиқ»нинг ўтган сонидида олиб чиққан «юриш» ҳақида. Умуман юришнинг ўзи нима? Кўнгил эҳтиёжими, ёки...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуккур Холмирзаев жавобларини ўқиб кўрингчи...

1. Йигит ва қиз “юриши”га қандай қарайсиз?
2. “Юриш” билан севишнинг ўртасида фарқ борми?
3. “Юрган”лар албатта турмуш қуриши шартми?
4. Қадимда “юриш” бўлганмикан?
5. “Юрган”ларга ачинасизми ё...
6. Айрим аёл ва эркак оилали бўлганидан кейин нимага “юришадими”?
7. Сиз “юрган”мисиз?

зий “Менинг ҳаётим” деган ёстикдек хотираларни тамомлаб, афтидан, хулоса чиқаришга қийналиб: “Эй, ёронлар, бу ҳаёт мураккаб экан-да”, деган экан.

3 — “Юрган”ларнинг турмуш қуриши...” шартмасдир-ов.

4 — Қадимда «юриш...» Бу саволга баҳоли қудрат жавоб бердим, шекилли. Аммо яна бир гапни таъкидлагим келади. Одам қавмига қайтиб айтадиган бўлсак, “юриш” -- Одам Ато билан Момо Ҳаводан қолмаганми?

5 — “Юрган”ларга ачиниш... Ҳалати савол! Бироқ шу тобда бир суҳбат ёдимга тушиб кетди. Ўша ёзувчилар ижод уйидайдим. Ёз пайти. Раҳматли Музайяна Алавия ҳам ўша ерда ҳордиқ олаётган эдилар. Кун қизиб кетганда, кўплар боғдаги катта ҳовуз -- бассейни бўйига чиқишар, кўплар чўмилишар, кўплар шунчаки сув салқинида ором оларди. Мен ҳовуз бўйига чиқмасдим. Нега? Билмайман... Чўмилгим келса, кечаси бориб, молтиб-молтиб келардим... Бир куни машҳур аргувон-жўғалар тағида ўтирувдим, Музайяна опа келиб қолдилар. Хомуш, инжикан эдилар. “Шукуржон, ҳовузга бормаёйсиз-а?” дедилар. “Э, ўша яланғоч хўжаларни кўргим келмайди”, дедим. Ростини айтсам, анча-мунча дам олгувчи эркаклар ҳам чўмилаётган аёлларни томоша қилгани чиқишар, бир парча латта билан уятини яшириб олган талай жувонлар эса бундан хурсанд бўлишар, аксари ички кийимларини

намоиш этишга чиққандек туюларди.

Кейин Музайяна опа ўқиб, шундай ҳикоя қилди: “Шукуржон, болам, шу тобда бир нарс ҳақида ўйланиб қолдим. Биз унда ёш эдик. Қизчалар. Паранжи ёпиниб, тўйларга борардик. Давраларнинг бир четида туриб томоша қилардик. Табиий, ўша пайтда чачвонимизни кўтариб қўярдик. Ана шунда денг, бизларни... дарахтлар шохига чиқиб олган, айриларга миниб ўтирган йигитлар томоша қилишарди. Ҳа, юзимизни бир бор кўриш учун шохларга чиқиб, панадан мўралашарди. Ҳе, нечаси йиқилиб тушиб, қўл-оёғини майиб қиларди... Ишонасизми, юзимизни кўриш учун, холос. Ахир, бошқа томонларимиз кийим ичида-да! Энди денг, уф, ҳозир кўриб ўйланиб қолдим. Йигит ундоқ ўтирибди, қиз мундоқ. Иккиси ҳам яланғоч ҳисоб. Бемалол гаплашиб ўтирибди, тавба! Йигитнинг эти жимирламайди. Қизнинг ҳам эти ўлиб бўлгандай... Ўйладим-да, ўғлим: “Аёл зотининг қаерики пинҳон бўлса, эркак зоти ўша ерга кўпроқ қизиқар экан”. Ўша пайтларда бизнинг юзимизни кўриш учун-а нималар қилишмасди. Энди бўлса... Бизлар эски одамлармиз. Лекин аёл

зоти ўзининг иффатини сақлаши лозим! Бўлмаса... Э, мен ўша йигитгайм, ўша қизгайм ачиниш кетдим. Кўп ажиб ҳислардан бебаҳра улар... Шуям “юриш”, шуям “севиш” бўлди.

Ҳурматли газетхон, бассейн бўйидаги ошиқ-маъшукларга, яъни “юрадиган”ларга ачинган зотни ўшанда кўрганман. Ўзим... ачинмайман. Шунчаки қарамайман: менга нима! Юраверишмайдим шунақа

қилиб, ҳалигидай -- ибтидоий одамлардай бўлиб...

6 — “Айрим аёл ва эркак оилали бўлганидан кейин нимага “юришадими” бошқа эркак ва аёл билан?”

Менинг кузатишимча, ўша юрадиган эркак ҳам, аёл ҳам турмуш қурмасларидан буруноқ... ҳўп “юриб” кўришган чиқади: ўрганган кўнгил яна қўмсайди-да. Э, бегона аёл ҳам, бегона эркак ҳам -- “ширин бўлади” дейишди-ку ўша-ўша кодексдан маҳрум, одоб-ахлоқ чегараларини писанд қилмайдиган зўрлар? Ўзларини оқлаш учун шундай дейишади...

Бироқ битта истисно ҳол ҳам мавжуд: аёл зоти бўлсин, эркак зоти бўлсин, ўз оиласида етишмаган нимарсага интилардиларки, буям қандайдир табиий ҳол бўлиб туюлади менга: демак, ўша оилада йўқ бўлган “нимарса” бор бўлиши керак-да?

Бу -- энди бошқа мулоҳаза, бизни бошқа томонларга бошлаб, балки дангал саволнинг дангал жавобидан чалғитиб кетади.

7 — Мен... албатта “юрганман”-да! Юрмасам, хотинимни қаёқдан топардим?

Лекин мен аёлимга, у билан “юрган” чоғларимда ҳам, кейинчалик ҳам: “Сени севаман”, деганим йўқ. Зеро, у менга ҳам шундай деганмас: афтидан, бу гапни айтишга эҳтиёж бўлмаган. Шунинг учунмикан, гоҳо бировнинг бировни -- “севдим, севиб қолдим” деганини эшитсам, гижиниб кетаман: севи -- ботиний ҳис-да! Унинг тилдаги ифодаси нимани англатарди! Шунчаки...



Суҳбатдош
ҳақида сўз.
Муҳтарама
Содиқова --
Республика аку-
шерлик ва ги-
некология ил-
мий тадқиқот
институтини профес-
сори. Умрининг сал-
кам қирқ йилини шу
соҳага бағишлаган. Камтар,

самимий, хушчехра. Жуда кўплаб аёл-
ларни муолажа қилиб уларни она бўлишдек улуг
бахтга етказган. Ўзбекистоннинг турли жойла-
ридан шифокор номига қизгин миннатдорчилик
билдирилган мактублар деярли ҳар доим келиб
туради. "Бефарзандлик катта бахтсизлик экани-
ни бу дард бошига тушган аёлгина ҳис қиларкан,
-- дея ёзилади шундай хатлардан бирида. --
Умидларим чил-чил бўлиб, ортиқ яшашга мадо-
рим қолмаганди. Мен сиз туфайли яна гўзал ҳаёт-
га қайтдим. Қизалоғимга Сизнинг исмингизни
қўйганман!"

-- Муҳтарама опа, сиз-
нингча бефарзандликнинг асо-
сий сабаблари нимада? Узоқ
йиллик иш тажрибангиз да-
вомида бу ҳақда қай хулоса-
га келдингиз?

-- Аёлни бепуштликка
олиб келувчи бош сабаб,
унинг танасида жиддий ша-
моллаш асорати борлигидир.
Кечагина тўйи бўлиб ўтган
келинчак жисмидаги
оғриқлардан шикоят қилиб
келади. Шифокор уни син-
чиклаб кўриб, жинсий орган-
ларда шамоллаш борлигини
айтади. Келинчак "Қачон
шамолладим экан?" дея ҳай-
рон бўлиши табиий.
Ваҳоланки, у қизлик пайтла-
ридаёқ шамоллашга чалинган
ва бунинг сезмасдан юраверган.
Ахир кўпчилик қизларимиз
балоғат ёшига доғур ўз
соғликларига эътибор бериш-
майди. Совуқ кунларда
пайпоқсиз кўчага чиққан ёки
захкаш жойда дугонаси бил-
лан соатлаб суҳбатлашиб
ўтирган бўлиши мумкин.
Шундай арзимас сабаблар
ҳам қизларнинг табиятан
жуذا нозик бўлган танасида
шамоллаш асоратини қолдириши мумкин. Ҳар
бир она қизининг ҳатти-ҳаракатини доимо ку-
затиб бориши, қиз болани ўз соғлигини асраш-
га ўргатиши зарур.

Никоҳ қуриш, фарзанд кўришдек мураккаб
физиологик жараёнлар билан боғлиқ бўлганлиги
сабабли жуذا эрта турмуш қуриш ҳам кўпинча
пуштсизликка олиб келади. Илмий текшириш-
лар шуни кўрсатадики, қиз ва йигитлар деярли
20 ёшдан кейин анатомик ва физиологик
жиҳатдан бутунлай камолга етадилар. Шунинг
учун ҳам қизлар 20-22 ёшда, йигитлар 23-25
ёшда турмуш қуришлари мақсадга мувофиқдир.
Келин-куёв орасидаги ёшнинг фарқи 3-6 йил
бўлгани маъқул.

-- Қадимда момоларимиз фарзанд кўрмаётган
аёлни ўта табиий усуллар билан даволашган. Ма-
салан, арпа сомонининг бугини ванна сифатида

қабул қилса, шамоллаш ўрни тузалармиш. Сумалак
пишган ўчоқ ё қизиган тандир тафтига ўзини тоб-
лаган аёл бутун шамоллаш азобларидан фориғ
бўларкан. Анор пўстининг қайнатмасию ёввойи ял-
низ дамламасини ишлатган ёки ўрик дарахтининг
ўтинида ўзини икки-уч марта буглаган аёлларнинг
фарзанд кўрганини эшитганман. Ҳозирги пайтда ҳам
шундай муолажалар қўл келармикан аёлларимизга?

-- Албатта. Қишлоқларда шу хил табиий усул-
лар билан батамом соғлигини тиклаб олган аёллар
бор. Лекин, ҳозирги ёшларимиз табиий муолажа-
ларнинг ҳам ўз шартлари, қоидалари, меъёри бор-
лигини билишмайди. Яъни, муолажадан сўнг та-
нани ташқи таъсирлардан жуذا эҳтиётлаш, ўзини
ортиқча уринтирмаслик, бир-икки ҳафта сувда
ювинмаслик талаб этилади. Акс ҳолда аёл баттар
қайта шамоллаб қолиши ҳам мумкин! Яна битта
нарсани айтмай. Танада учрайдиган ҳар бир хаста-
лик, умуман, аёлнинг аҳвол-руҳияти, кайфияти ҳам
фарзандсизликка сабаб бўлиши мумкин. Келин-
чак бир-икки йил ўтиб фарзандли бўлавермагач,
атрофидагилар маслаҳати билан ўзича даволана
бошлайди. Муолажаси самарасиз ўтса, тушкунликка
тушади. Бунда аёл ўзини ҳеч нарсага қодир эмас-
дек сеза бошлайди. Мана шу тушкунлик ҳолати

-- Асал ойи ҳақидаги гапларингизда жон бор.
Келин-куёвлар дастлабки бир-икки йилда яхши
кайфиятда, табиат кучоғида кўпроқ бўлишлари ва
сервитамин таомлар истеъмол этишлари зарур.
Жинсий органларнинг фарзанд кўришга тайёрла-
ниши шу нарсалар билан боғлиқ-да. Бутунги кунда
бефарзандликни келтириб чиқараётган яна бир са-
баб экологиянинг бузилишидир. Биз нафас олаёт-
ган ҳаво, ҳатто егулик-ичгулигимиз ҳам ана шу
"бузилиш"га алоқадор. Баъзи шифокорлар ёшлар
ўртасида камқонлик хасталигининг кўпайиши улар-
нинг ялчителиб овқат емаслигида деб айтишмоқда.
Ота-оналар балоғат ёшидаги ўғил-қизларининг етар-
лича дам олиши ва овқатланиши билан ҳам қизиқиб
туришлари керак.

Ҳар бир қурилаётган оила бахтли бўлиши учун
аввало никоҳланувчилар соғлом бўлиши зарур.
Турмуш қурадиган ёшлар олдиндан тиббий
кўрикдан ўтказилса яхши натижа беради. Шунинг-
дек, соғлом турмушни издан чиқарадиган ва ир-
сий касалликларга сабабчи бўладиган салбий урф-
одатлардан бири яқин қариндошлар ўртасидаги
никоҳдир. Биз шифокорларга маълумки, асосан бе-
фарзандлик, фарзанд бўлганда ҳам унинг туғма
нуқсонлар билан дунёга келиши яқин қариндош-
лар ўртасидаги никоҳда куза-
тилади.

-- Бефарзандликда
кўпинча аёлни айблашади.
Лекин, бу нарсага баъзан
эркаклардаги хасталиклар ҳам
сабаб бўлади-ку! Шу ҳақдаги
фикрингиз...

-- Мутахассис олимлар-
нинг аниқлашича, бефарзанд
оилаларнинг 40 фоизиди асо-
сан эркаклар хасталиклари
кузатиларкан. Бундай ҳолни
бартараф этиш мақсадида,
институтимизда анча йиллар-
дан буён "Оила ва никоҳ"
маслаҳатхонаси фаол
ишламоқда. Жуда кўп эр-хо-
тинлар бу ерга келишиб, таж-
рибали шифокорлар кўри-
гидан ўтишади. Энг муҳими,
улар барча маслаҳату тавсия-
ларга амал қилишиб, сабр-
чидам билан даволанишиб,
сўнг ўз мақсадларига эриша-
ётганлари маълум. Бу учун
келин-куёвлар яшаётган жой-
ларидаги тиббиётхонадан
касалик варақаси ва турли
тиббий кўрик натижаларини
ўзлари билан бирга олиб ке-
лишлари лозим. Бизда ҳам 3-
4 хил тиббий кўрикдан ўти-

шади. Сўнг ҳамма кўрик натижалари жамлангач,
яхлит хулоса чиқарилади. Қандай даво чораларини
қўллашни, албатта шифокор белгилайди.

Дардманд аёл она бўлишига жуذا қийинлик би-
лан эришади, эришган чоғда ҳам ундан соғлом фар-
занд туғилиши мушкул. Аёлнинг яқинлари, эри ва
қариндош-уруғлари унга шавқат кўзи билан қара-
ши, зарур бўлганда меҳру-мурувватини дариг тут-
масликларни керак. Чунки, фарзандсиз аёлнинг
кўнгли шундоқ ҳам ярим, ўксик бўлади. Биз ҳар
биримиз ноўрин ҳатти-ҳаракатимиз ё қалтис
сўзимиз билан уларнинг кўнглиларини янада
оғритиб қўйишдан эҳтиёт бўлмоғимиз лозим. Ке-
лажак авлоднинг соғломлиги учун ҳам аёлни ас-
райлик. Зеро, кўнглимизда яхши ниятлар бисёр
экан, Аллоҳнинг ўзи мадакдор бўлғай!

Суҳбатни Г. ЖАМИЛОВА
ёзиб олди



унинг саломатлиги ёмонлашувига кучли таъсир
кўрсатади. У соғайиш ўрнига яна касаллик ортти-
ради. Мен ҳар бир аёлнинг турмуш ўртоғига хушёр
бўлишларини, рафиқасининг беҳад сирли қалби-
ни авайлаб, уни қадрлашини маслаҳат берган
бўлардим.

-- Қадимги юнонларда никоҳдан ўтиб оила қур-
ган ёшлар ихтиёрига бир эчки ва асалариларни
топшириб, сўнг тоққа кўчириб юбориларкан. Бир
ой давомида келин-куёв эчки сутини билан асални
истеъмол қилиб, табиат кучоғида яшар экан. Бун-
дан кўзда тутилган мақсад -- улардан соғлом фар-
занд туғилишини таъминлаш бўлган. Эшитишимча,
кўҳна Шарқда ҳам келин-куёвлар то ўзларини тик-
лагуниларча доимий назорат остида сақланган.
Ҳозирги пайтда ёшлар соғлигини асрашни катталар
томонидан назорат қилиб бориш бироз сусаймаган-
микин?

Бола қоринда тамом ўсиб
етилуви, кўпроқ 280 кунда
тутаб, дунёга келади. Бо-
лалар олти қадоққа яқин
оғирликда бўлиб туғилурлар.
Туғилгандан сўнг оғирлиги
бироз камайса-да, сутга
одатлана бошлагач, бу
оғирлик орта бошлар. Бир
бола бир ёшга тўлганда 25
қадоқ келса, овқатидан фой-
даланган саналур. Боланинг
киндиғи 4 ёки 8 кунда ту-
шади. Киндиғини топа ип
ёки ипак билан бойламак ва
чиритмай-иритмайдирган
нарсга қўймоқ лозимдир.
Киндикка чирита турган
нарсга солинса, жигарга зар-
рар келтирадир.

Юкли хотунлар

тўртинчи ёки бешинчи ойларида ҳамда бола туғилгандан беш
кун аввал бир уста табибга ёки
шаҳодатномали доя врачга
кўриниши керак. Чунки бола
туғган вақтга зарур
қилгулик бирор
нарсга бўлса, бунинг
